

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси коидаларига 8-ИЛЛОВА

2022 й. «05» январдагы «Дүстүрлөк электр тармоклари» корхонаси ва Давлатобод туман
Оболониаштириш бошкармаси уртасыда 1 198 800 сүм умумий суммага тузилган
№401043- соңлы шартномага

ТҮЛӨВЛІАР ЖАДВАЛИ*

Бо6 110

Шахсий ғазна ҳисобварап 100022860144017065300110004

(сумда)

2022 й. ойлар номи.	Харажаттар түри** (бюджет тасифининг тегишлери коди)			Жами
	Кичик булим 300 Боб 110 Модда 42-21-000	***	***	
Январь	399 600			399 600
Февраль	399 600			399 600
Март	399 600			399 600
Апрель				
Май		*		
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами ийл бүйича	1 198 800			1 198 800

Жами: 1 198 800 (бир миллион бир юз түкson саккиз минг саккиз юз) сүм
сумма сүз билан

Юқоридаги курсатилган суммадан **сум** ёки шартномаинг умумий суммасидан
%

(*) — бюджет ташкилиот, бюджет маблаги олуви чи ва БМЖ маблаги олуви томонидан газначилик булинмасига икки нусхада такдим этида:

(**) — булим, кичик булим ва харажат мөлдәсү курсатылалар.

(***) — Юкориаги курстагилган суммадан ойга ____ % жорий ойнинг ____ санаасигача ҳар ойда олдиндан туланиши лозим (ушбу сатр бюджет таниклиги, бюджет маблаги олувиши ва БМЖ маблаги олувиши томонидан коммунал хизматлар курсталаш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларидан назарда тутилган ҳар ой доимий рашинида товарлар (ишлар, хизматлар) сткабиз бериси шартномалари буйича олдиндан түловини амаллаштириш холлардан тўлинишлари)



IRISH CROWN

Учебник по руски

卷之三

卷之三

卷之三

卷之三

1. *Introduction to Dynamical*

ХОДИМИ КАСУН КИ ГАН

180

20 B. n.)

Андрей
(ФИО)
Лебедев

Д.Вохисов
ФИО

Ф.Каххаров
ФИУ

Буюргмачи ходими кабул килди

20 *Il «...»*

**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ
“НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА
БҮЛМАГАН ИСТЕЙМОЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

**ШАРТНОМАСИ
№ 401043**

**Давлатобод тумани
Ободонлаштириш
бошқармаси**

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

**Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун
ШАРТИНОМА**

2022 йил “5” январь

401043-сон
(шартнома тузилиган манзиг)

Давлатобод т.

“Наманганд ҲЭТК” акциядорлик жамияти “иниончиома” асосида фаолият юритувчи раҳбари “Дўстлик” ЭТК Э.Валиханов кейинги ўриниларда “Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Давлатобод тумани Ободонлангизниши бошкармаси раҳбари Д.Вохисов (кейинги ўриниларда “Истеъмолчи”деб аталади), хисоб раками - иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

--	--	--	--	--	--	--

I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўриниларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, “Корхона” “Истеъмолчи”га электр энергиясини (кейинги ўриниларда - энергия деб аталади) уланган тармок орқали етказиб берини ва “Истеъмолчи” истеъмол қилинган энергия учун ўз вактида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 2664 кВт.с. реактив _____ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергияни Шартнома тузилиган кунидаги умумий нархи 1 198 800 (бир минглион бир юз тўқсан саққиз минг саққиз юз) сўмни, тариф(лар) бўйича 450 сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маишӣ истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишининг бошқа воситалари истеъмолчининг маблаглари ҳисобига сотиб олинади, давлат қисселовидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. Ҳисоб-китоб қисни тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставками ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқиёна фойдаланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти НҚ 3379-сонни корорининг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот иншаб чиқаруучи иш айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортик бўйган Истеъмолчи (бюджет ташкизотлари, сув таъминоти ташкизотлари, фермер кўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станицялари, шунингдек Даъват бюджетидан молиячаштириладиган насос станицялари бундан мустасно) Энергия учун ҳисоб-китобларин сутка вактларининг табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вактида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича.

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиning энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг коронғи вактида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришининг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чикарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Турли хил тариф гурухларига мансуб истеъмолчи битта электр таъминоти манбаидан электр билан таъминланганда, ҳисобга олиш приборлари ҳар бир тариф гурухи учун алоҳида ўрнатилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланаётган энг юқори тариф гурухи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг З-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланили тўгрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “ОИ” санасигача Корхонага ва Бюргога тақдим этади.

Бунда, уланган куввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташкари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида кўрсатилиши шарт.

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи ётказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Корхона уларнинг кучга киришидан камида ўн беш кун олдин карорини оммавий аҳборот воситаларида эълон қиласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар үзгартылған сандар қаттың нөхандар, электр таъминоти шартномасы үз күнде қолади ва иштеймекчі фойдаланилған электр энергияси учун янги тариф күнгө кирган күндан баштап ҳақ тұлашта мажбурдид.

Тариф ўзгартган тақдирда, истемолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тұлғанған хажмі учун тұлов күнідан бошлаб қсийигі 1 ойдан ортада бұлмаган мүлдат да күшімчалы тұлов тұлашын озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотуғри құллаш туфайли пайдо буладиган кам да ортиқта тұловлар тегишли тариф бүйіча кВт соатларда қайта хисоблаб чиқылады да Корхона томонидан дағы муддатты дөирасыда күрсаткышлардаги тағовут ёки күннімчалар билан биргаликта хисобға олинады.

3.8. Истельмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китой даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиммати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тұлаш асосида амалға онырилади. Бунда, хисоб-китобин 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалға оныриш қохишини билдирған истельмолчигар хисоб-китоб амалға оширилады да даврни күрсатиб хисоб-китоб даври бошланишини кимде 5 күн олдин билдирғи тартибида Бюорога мурожаат қылған тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида етказиб берилешінә йүл қўйилади. Олдиндан ҳақ тұланмаган жаңда 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаётган истельмолчилар томонидан ойнинг охиритача якуни хисоб-китоб амалға оширилмаган ҳолларда мазкур истельмолчига нисбатан электр тармоқларидан түлік узишгача бўлған чоралар кўрилади.

3.9. Истемолчи уланган күвватидан қаттың назар, крипто-актив ва майниш соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш шартномасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган элекстр энергияси учун туювларни тегинили тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсуучи коэффициентга мувофик тўлади. (Уи.Р. Вицерзар Махкамисининг 09.12.2019 йилдаги 979-сенти карорига аносат павар кочар расмий этикетни кўйсан ташаббориган ўтиш курбага)

3.10. Корхона энергия сарфи түгрисидаги хисобот асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширилди хамда беш куни ичида түлов амалга оширилиши лозим бўлган хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини ёзиб берали

Истеңмөлчі түрлі тариф гурухларига тегишли бұлған бир нечта объектте зия бұлса, қар бир тариф гурухы учун тариф сарылған хажми күрсатылған ҳолда умумий хисоб-фактура өзілайди.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли қарорига мувофиқ Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини электрон ҳисобварак-фактура шакллантирилади ҳамда сотиб олучви тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиган холда электрон ракамли имзо билан тасдиқлаган холда, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-илюнага мувофиқ, электр тармокларининг мансублик баланси бўйича масъуллик чегараси далолатномаси ва томонларниң эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасида ўринатилмагандан, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўринатилган жойгача бўлған участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истемоъчи билан биргаликда ҳисобланши йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-илюнага мувофиқ далолатномада кўрсатилиши.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланған, табақалаштирилған тарифда тұловларни амалға оширадиган Иsteъmolчи учун энергияның технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва түнгі пайтлари учун алохидә аникланыб, мутаносиб равишда жами олинған электр ҳажмининг тегишли пайтларига тұлов ҳақини ёзиш учун күшип борилади.

3.12. Иsteъmolчи энергияның сарфланиши тұғрисидаги хисоботни Шартномада күрсатылған муддатта тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия иsteъmolчининг шартномада кайд этилған миқдори бүйіча ёки ұтган давр учун ҳақиқатдан иsteъmol килинған электр энергиясы тұғрисидаги маълумоттар асосида тұлов хисоб-варагини ёзди ва Иsteъmolчининг шахсий хисоб рақамида бу ҳақида тегишли белгі күйилади.

Бюро хисоблаш приборидан күрсаткышларни назорат тартибда ёзіб олғандан кейин, Корхона амалда иsteъmol килинған электр энергияси учун кайта хисоб-китобни белгиланған тартибда амалға оширади.

3.13. Иsteъmolчининг энергия ҳақини тұлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек хисобға олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланылған электр энергиясы) кайта хисоб-китоби ва пеня бүйіча қарзы бұлған тақдирда, уннинг аванс тұлови хисобига ұтказылған маблаглар қарзын коплашға йұналтирилади ва аванс тұлови (олдиндан ҳақ тұлаш) сифатида хисобға олинмайды.

Иsteъmolчи томонидан Шартномада күрсатылған электр энергияси ҳажмини тұлғык иsteъmol килимажаған тақдирда, аванс тарикасияда тұланған маблаглар кайтарып берилмайды ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобға олинады.

Хисоб-китоб ойдан кейинги календарь ой тугаған қарздорлик тұлов муддаты ұтган деб хисобланади ва тұлов муддаты ұтган қар бир күн тұлов муддаты ұтган суммасынг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергиясы махсус тартибда етказіб беріледиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня хисобланади. Бунда пеняның умумий миқдори, муддаты ұтган тұловларыннг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.14. Шартномада хисоб-китоб даври учун күрсатылған энергия миқдоридан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия иsteъmol қилинада, Иsteъmolчидан Шартномада күрсатылған миқдордан ортиқ ортиқ иsteъmol қилинған энергияси жами ҳажми учун белгиланған тарифининг 1,15 баравари миқдорида тұлов үндирілади.

3.15. Иsteъmolчи ва Корхона ҳар ойда, хисоб-китоб даври тамом бұлғандан кейин беш күн мобайнида ұзаро хисоб-китобларниң тақкослаш далолатномасини тузади.

3.16. Иsteъmolчиниң күйидеги ҳолларда электр тармокларидан узилади:
шартномавий мажбуриятлары бажарылмаганда;
хисоб-китоблар үз вактида амалға оширилмаганлығы оқибатида фойдаланылған энергия утуп қарздорлық мавжуд бұлғанда;

Бюро талабномалари бажарылмаганда, шу жумладан, уннинг вакилларига хисобға олиш приборлары күрсаткышларни олиш учун рухсат этилмаганда;

электр тармокларига ноконуний уланниң, уларни талон-торож килиш ёки электр энергиясыдан фойдаланыш қоидаларини бузиншениң бошқа ҳолатлари аникланғанда;

Энергияны хисобға олиш приборларини қасдан бузилғанда, күрсаткышларни үзгартырыш мақсадыда уларға ташкаридан аралашылғанда.

3.17. Хисобға олинмаган энергия учун амалға оширилған кайта хисоб-китоб, Иsteъmolчиниң конун ҳужжатларыда белгиланған тартибда Электр энергиясыдан фойдаланыш қоидаларини бузгандык учун жавобгарлықдан озод этмайды.

3.18. Истельмолчи томонидан қоңдабузарлар ҳолати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тұлов пайтидаги әнг кам ойлик иш ҳақининг үн баравари миқдорида тұлов ундирилғандан сүнг тармоққа қайта уланади (ЭНХАТта уланған истельмолчилар бундан мустасно).

3.19. Истельмолчи электр тармокларининг техник ҳолатини таъминлаш бүйича эксплуатация хараждатлардың учун субистельмолчилар, истельмолчи билан субистельмолчи үртасыда тузилған алохидә шартнома бүйича Энергияның умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишида қаш тұлайды.

Эксплуатация хараждатларни субистельмолчига бериладиган электр энергиясы тарифига күшишіга рухсат этилмайды.

3.20. Энергия учун тұлов тарифлары күйидеги ҳолатларда маиний (ақоли) истельмолчилари учун белгиланған тарифге тенгләштирилады:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрайлдаги “Оилавий тадбиркорлық тұгрысида”ғы ЎРҚ-327-сонли конунига мувофиқ “Оилавий корхона туар жойдан бир вакттинг үзіде унда истиқомат көлгөн ҳолда товарлар ишлаб чыкарып (ишилар бажарып, хизматлар күрсатып) учун фойдаланған тақдирда, Истельмолчи Энергия учун маиний (ақоли) тарифи бүйича тұловни амалға ошириди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидеги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада тақомиллагантиришида ижтимоий күмак ва имтиёзлар беріш тұгрысида”ғы 364-сонли карорининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ғ сонли Фармойишига күра ҳудуддагы диний ташкилотлар Энергия учун маиний (ақоли) тарифи бүйича қаш тұлайдылар.

3.21. Истельмолчининг ҳисобға олиш прибори қуїйдеги текширувларудан үтказилады:

а) даврий қиёслаш-үшбу турдаги ҳисобға олиш приборининг қиёсловдан үтказиш оралиғи муддаты тугаганда;

б) нағватдан ташқары қиёслаш-ҳисобға олиш приборига зарар етказилғанда, пломбаси бүзилгандан, қайта дастанулаш заруриятты юзага келганды;

в) эксперт қиёслаш-ҳисобға олиш приборининг созлиги, ушиннеге фойдаланнаның яроклилігі, шуннингдек, метрологик хусусияттарининг норматив ҳужжатлары таалабларына мөслиги бүйича низоли масалалар юзага келганды.

3.22. Энергияны ҳисобға олиш приборларини счиш, қиёслашдан үтказиш ва ўринатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сонли карори таалабларига мувофиқ белгиланған тартибида амалға оширилады.

Ҳисобға олиш приборини даврий қиёслаш “Ўзстандарт” агентлигі томонидан белгиланған муддатда истельмолчи ҳисобидан үтказилади. Қиёсловдан үтказиш оралиғи 4 (түрт) йилни ташкил этади.

3.23. Навбатдан ташқары ва эксперт қиёслашлар Бюро ташаббуси билан ёки бошқа ваколатты орган карорига асосан үтказилади ва қиёслаш хизматларини Бюро Корхона томонидан тұланади.

IV. Томонларининг ҳуқуқ ва мужбуриятлары

4.1. Истельмолчи қуїйдеги ҳуқуқларга эга:

ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармокларига техник шарттарға мувофиқ, ўринатылған тартибида улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш; электр энергияси етказиб берининг тұхтатиши ёки тұхтатиб қўйилини сабаблари тўгрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол килалиган энергия ҳажмларининг ўзгартиришини тўгрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириши бўйича таклиф мўлжалланасетган ўзгартиришидан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) Корхона ва Бюрога тақдим этиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб бериласлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилши оқибатида етказиленган зарарни белгиланган тартибда коиланишини талаб килиши;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама бесор қилиш;

Шартнома бесор қилганды фойдаланишмаган энергия миқдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб килиш;

енергия етказиб берниши тұхтатишидан етказиленган зарарни кошлиши талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини түзүшіда ва бажаришда юзага келаёттан пизоларни ҳал этиши учун судга ёки бўйсунуни бўйича юкори органга (мансабдор шахста) мурожаат қилиши.

Истеъмолчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қўйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимиға риоя этиши;

фойдаланишмаган энергия учун ўз вақтида ҳак тўлаш;

эксплуатация килаётган электр тармоқлари, приборлар, электр курилмаларининг зарур техник ҳолатини сакланып, шунингдек, электр курилмаларни эксплуатация қилинича ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўгрисида хабар берин;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиши чора-гадбирларни амалга ошириш;

Бюро ва “Ўзэнергоинспекцияси” кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилишини қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва Корхона вакилининг ҳисобга олини приборларини кўздан кечирининг белгиланган тартибда рухсат берин;

йил мобайниза янгидан тинга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камидан бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома берин;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжини аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишида, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишилар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқарини эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиши, иситиш, шамоллатини учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларининг эҳтиёжини ҳисобга олини.

Шунингдек, уланган куввати 5 МВт ва undan ортиқ бўлган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан кўйидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур:

истеъмол килинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

енергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламалы даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

енергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиши даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Бундан ташкари, улангын қуввати 250 кВа ва ундан ортик бүлган истеъмолчилаар куйидагиларга мажбур:

махсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун Энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқишиумумий ишлаб чиқариш ва технологик, якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллантирилиши (ўзгарилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб кайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилаар гурӯхлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиши самарадорлигини таҳлил қилиш. Энергиянинг самарасиз сарфланиши ва истроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун Энергияга бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (махсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланастган прогноз хажмларидан ва Энергия сарфи месъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириши ва Энергияни тежашни хисобга олган ҳолда) Энергиянинг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига Энергия сарфининг тасдиқланган месъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларининг бажарилишини таъминлаш;

Энергияни тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини ташаб этиши;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Иsteъmolchi томонидан стказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор килган ҳолда, Иsteъmolchini электр тармоғидан узиб кўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНҲАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳак тўлаш курилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳак тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Иsteъmolchini электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Иsteъmolchiga энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлинини чегарасигача Шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам стказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиши, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлани, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиги обьектларини таъмирлани билан баглик электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тұхтатилиши ва тұхтатилиши сабаблари тұғрисида хабардор килиш;

киритилаётган чеклашлар тұғрисида, чеклашларни қажми ва вакти күрсатилған ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тұлға етказиб берілмегандығы ски электр таъминотидаги бөшқа бүзилишлар тұғрисидагы Истеъмолчининг аризасини арза олинған күндан баштап 10 күндан кечиктирмай күриб чикиш, бартараф этиш ва батағыс жағоб юбериш;

Истеъмолчига үрнатылған тартибда етказиб берилған энергия хисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланған тартибда киритилған таклифларига мувоғик, үн күн муддатта электр энергиянинг ойлик шартномавий қажмига үзгартырышлар кириши, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини құнайтириш (камайтириш) мүмкін бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини қўрсатган ҳолда хабар килиш;

Истеъмолчидан үрнатылған хисобга олиш приборларини алмаштириш, үрнатиш ва техник хизмат қўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат қўрсаткичлари давлат стандартига мувоғик бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувоғик бөшқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланған тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона буининг натижасида етказилған зарарни қоплашта, “Истеъмолчи” эса етказилған ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланған режимига риоя килмай, электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланған электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли наст сифатли электр энергияси етказиб берилганини учун;

захира маинбаи автоматик ишга тушганда, автоматик кайта уланы ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувват ташкилнинг оқибатида келип чиқипи мумкин бўлган аварияларни олдинни олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бөшқа ўчишилар хисобига содир бўлиб, энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келганда;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидение, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали электр энергияси етказиб беришдаги узилишлар тұғрисида хабар ва эълонлар берилганда.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро қўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилгандан ёки енгиг бўлмайдиган табиий оғатлар ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнда юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишининг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал килинади.

VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда кўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириши ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

6.3. Томонлардан бирининг ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўгрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

6.5. Шартнома лойиҳаси талабларида назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ҳамда Бошқа амалдаги норматив-хукукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Истемолчи: Давлатобод тумали Ободонлаштириш бошкармаси

Юридик манзили: Давлатобод тумани, Аэропорт кучаси 1 уй

Почта манзили: Давлатобод тумани, Аэропорт кучаси 1 уй

Хисоб раками: 100022860144017065300110004

Банк коди МФО: 00014, ИНН: 207331163

Истемолчининг юридик манзили бўйича Кадастр раками _____

Махалла номи _____

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истемолчилар учун

Бюджет фондиининг хисоб раками: 23402000300100001010

Банк коди МФО: 00014, ИНН: 201122919

Бюджет фонднинг хисоб раками _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

Телефонлар: 69,232-07-97,

Факс: _____

(Истемолчичи телефон раъманлиги, шу жумларни унинг разберигин узган телефонни курсанади)

Статистик кодлар:

ОКЭД: 81300 _____

СООГУ: 01011 _____

СОАТО: 1714401365 _____

КФС _____

КОПФ _____

ОКНО _____

J074546548

Корхона: "Дўстлик ЭТК"

Манзили: Давлатобод т, Хотира кучаси 4 уй

Хисоб рақами: 2263600000510058382

Банк коди (МФО): 00224 , (ИНН): 200048685

Телефонлар: _____ Факс: _____

Статистик кодлар:

СООГУ 01011

СОАТО - РТУМ



Истеъмолчи



Аттоно, Ф.И.Ш., сана

М.Хасанов

Мазкур электр таъминоти шартномаси

Юристик консультант

Ф.И.О.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонлиги карори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланини көнданлари" талабларига мувоффик тузилган. Шартнома мазмунини (шартийомонлар жавобгарлигининг меъёри ва шизоларни ҳал килиш тартиби) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatiniнning шартномавий-хукукий базаси тўғрисида" ги конун талабларига мос келади.

25

Юристик консультант

(иљзоси)



Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухи II _____

2. Фаолият тури бюджет

3. "Истельмолчи" электр курилмаларининг уланган қуввати: 10 кВА(кВт)

4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват 15 кВт

5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) III

6. Ҳисоб-китоб тури: 1 ставкали _____

тариф тури: табакалаштирилган , бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 ингриз руҳбатига кўрсатилган маҳсулот иншаб
чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсектувчи ҳамда Уз.РВМнинг (09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарори бўйича фаолият юритадиган
истельмолчилик (бекраслиги ёзишини)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
Йил, жами	2664				
Январ	888				
Феврал	888				
Март	888				
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди 10 соат, ойга 30 кун

Умумий юкга ишебатдан сменалар бўйича юкланиш % I ____, II ____ , III ____



JO74546548

электр таъминоти
шаринномасига 2 - иловга

Энергияни хисобга олиш приборлари ўнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истъмолчи”нинг (суб“Истъмолчи”нин- г) хисобга олиш прибори ўнатилган жойлар, тури ва кучланниш тоифаси (кВ) курсатилишан холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга ониш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма коткозидаги шломбаништган раками	Улчоя трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти			Хи- со- б- ки- тоб ко- ффи- ци- ен- ти- и	Хисобга ониш приборининг Шартнома тузилган кундаги курслакичла- ри	Тариф тури сум- 1 кВт.с.
				Корхона- нинг	Бюро- нинг	Ток			
Руз- 0,22 ДБЕ - 7150				1	1	220			254

Имзолар:



Ф. И. Ш.



электр таъминоти
шартиномасига 3 - илова

**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ**

20 ____ йил _____ ойи бўйича

Кўрсаткичлар кайд этилган сана « ____ » 20 ____ йил.

Уланган жой номи, хисобга олиш приборининг завод раками. хисобга олиш түри (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори курсаткичлари		Хисобга олиш прибори курсаткич- ларининг фарқи	Сариф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.						
	ток трансфор- маторининг (ТТ)	кучла- ниш транс- форма- торининг (КТ)	уму- мий	бошлил	охириги			Эрта- лабки тигиз вакт	Кун	Кечки тигиз вакт	Тун			
				гич							соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22	соат 22-24
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13		
Жами														

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками гр 2= гр 1+гр 12+гр 13
гр 8= гр 7+гр 4

Истемолчи раҳбари



Тошиб энергетик

Ф. II III.



**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

1. “Истеъмолчи”нинг балансида кўйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари _____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича
mansublik чегараси _____

3. Улардан кўйидагиларга:

а) Энергия хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан.

б) _____

Истеъмолчи билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилиади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва унга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси кўйидагича белгиланди:

Чегаре нурхасидон бош-
таб барга эн-курунчаларни сен-
говч мавбобер.

Вакиллар:

(имзо)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)



Истеъмолчи

Корхона

М.У.



(Ф.И.Ш.)

**Энергияни йўқолишларини аниқлаши бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмагандан, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган холда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисобланаш ўйли билан аниқланади ва куйидагиларга хисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %. реактив энергия йўқолишлари кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истөмоччининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:
 Узунлиги _____ М;
 Кесим юзаси _____ ММ²;
 Русуми _____ ;
 Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истөмоччининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:
 Узунлиги _____ М;
 Кесим юзаси _____ ММ²;
 Русуми _____ ;
 Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истөмоччининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истөмомидан ва 1-иловада кўрсатилган ишлани тартибидан аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган майший истөмоччиларнинг электр энергисини хисобга олиш приборларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб килиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истөмомига картилади

Имзолар:



Компенсация қурилмаларининг ишлаши режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/п №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Втча 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Втча 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Втча 1000 Вдан юкори,				
2	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилиган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Втча 1000 Вдан юкори.				

ИЗОҲ: автотрекимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташқистошлар уланиш ваҳдатларини тўлдиришни шарт ҳисас.

2. Реактив энергияннинг иктисодий микдори

Йил, ой	Реактив энергияннинг иктисодий микдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурӯҳлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергияннинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал микдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергияннинг шартномадаги микдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот давриннинг якуни бўйича реактив энергия иктисодий қийматининг амалдаги микдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама кўшилган қиймат солиги ҳисобга олинимаган ҳолда фаол энергияннинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иктисодий қиймат микдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни старлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан кўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти курсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан насайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қушимча маблағлар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва кўшимча маблагни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Иsteъmolчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини насайтиришга йўл кўйилганлиги тўғрисида “Ўзэнергоинспекцияси”нинг тасдиқови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъmolчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катга юкламали соатларида реактив энергия хосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъmol қилинганда, агар Иsteъmolчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган киймат солиги ҳисобга олинимаган жонга актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% микдорида белгиланади.

Иsteъmolчи:



**Авариявий ва технологик бронни аниқлап буйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг _____

иширикода тузилади.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки киска муддатли кувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/р №	Технологик броннга тааллуклаш цехлар ва агрегатлар номи*	Инди қолдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зўйлик билан ўчирилгади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаши, ёнгин, заҳарланниш ва бошқа баҳтисиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария броннига тааллуклаш цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ утганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узуб қуилади.

T/р №	Авария броннга тааллуклаш цехлар ва агрегатлар номи*	Инди қолдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тозгалишсанда тозиминине музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда кўриксана ёритгичлари юкланиши остида қолдирилади.

б) Ёнгина гаражини захира наослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронни киришади (ушибу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Кирдан олган тааллукларни киритишади).

Имзолар:



Истеъмолчи:



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**
№ JO74546548

1. Loyihaning turi: **Shartnoma**.

2. Loyihaning nomi: Davlatobod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va “Do’stlik” elektr tarmoqlari korxonasi o’tasida elektr ta’minoti haqida shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Davlatobod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 10-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Huquqiy xulosa: Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadiga muvofiq.

Markaz boshlig'i



B.Xasanov

2022-yil 11-yanvar